

20-Aprel, 2025-yil

**ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК СУДЛАРДА ЧЕТ ДАВЛАТ СУДЛАРИ ВА  
АРБИТРАЖЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ҲАМДА ИЖРО  
ЭТИШГА ҚАРАТИШ ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ ЎЗИГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Давранбек “Ахматов**

*“Prae legal” адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги*

*[d.ahmatov@praelegal.uz](mailto:d.ahmatov@praelegal.uz)*

Мамлакатимиз бугун бутун дунёга ўз эшикларини очмоқда, бунинг натижасида жуда кўплаб тадбиркорларимиз хорижий мамлакатларда тадбиркорлик ўз фаолиятларини юритмоқда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларда савдо уйлари очилмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорларимиз хорижий тадбиркорларимиз ўртасида шартномлар юзасидан ёки мажбуриятларни бажармаслик натижасида турли хил иқтисодий нозолар вужудга келиши табиий ҳол бўлиб қолмоқда. Тадбироқларимиз билан хорижий тадбиркорлар ўртасида юзага келган низолар чет давлат судлари ва арбитражлари томонидан кўриб ҳал қилинмоқда.

Э.Шариповнинг фикрича, ИПКнинг 248-моддасида чет давлатлар судларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонун ҳуҗжатларида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олиниши ва ижрога қаратилиши мустаҳкамланган. Ишни кўриб чиқиши натижалари бўйича қабул қилинган қонуний кучга кирган суд ҳуҗжатигина тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин. Чет давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномалар – Киев Битими, Минск Конвенцияси ҳамда Кишинёв Конвенциясида, шунингдек икки томон томонлама имзоланган ўзаро ҳукуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда мустаҳкамланган<sup>4</sup>.

Ж.Аллаёровнинг фикрича, хорижий тажриба шуни кўрсатадики, хар бир давлатда чет эл судининг компетенциясини аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Чет эл судининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш учун компетенция аниқлашнинг турлича ёндашувларини таснифлаб чиқиши мумкин:

- 1) қонунда алоҳида боғловчиларни кўрсатиб ўтиш;
- 2) чет эл судининг халқаро судловлилиги тан олинмайдиган рўйхат тузиш;
- 3) “кўзгу акси” принципи қўллаш (чет эл судининг ваколатини миллий қонунчиликдаги ваколат берувчи нормалар ёрдамида аниқлаш).

<sup>4</sup> Шарипов Э. Чет давлат судлари ҳал қилувқарорларинитан олиш ва ижрога қаратишҳамданолиши ва ижрога қаратишнирадэтишасослари. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND MANAGEMENT STUDIES. [www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)

20-Aprel, 2025-yil

Ўзбекистон Республикасида чет эл давлат судининг ваколатини аниқлаш учун билвосита халқаро судловлиликнинг айнан қайси усулини қўллаш мақсадга мувофиқ? Бизнинг фикримизча, билвосита халқаро судловлиликни тартибга солишида “кўзгу акси” моделидан фойдаланиш маъқул ҳисобланади. Бу усулининг қулайлиги шундаки, аввало, уни қўллаш бир қатор осонликларга эга, шуниндек мазкур усул билан миллий суд ўз давлати учун қанча миқдорда юрисдикцияни тан олса, хорижий давлат юрисдикциясини ҳам шунча миқдорда тан олади.

Малакалашдаги чалкашликни олдини олиш учун чет давлат судининг компетенциясини вужудга келтирган ҳолат бўйича миллий қонунчиликни ўша давлат суди номидан қўллаб кўрилганда хорижий давлат суди компетент ҳисобланса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳамда иқтисодий ишлар бўйича судлари учун ушбу суд ваколатли ҳисобланади<sup>5</sup>.

Хорижий давлатларда ҳам чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисида нормалар мавжуд.

Чили Фуқаролик процессуал кодексига қўра, чет эл судларининг қарорларини қўйидаги ҳолларда тан олиш ва ижро этилиши мумкин:

-суд қарори чиқарган давлат билан Чили ўртасида тузилган икки томонлама шартнома мавжуд бўлса;

-Чили судлари томонидан чиқарилган қарорлари ҳам мазкур давлатда ижро этилиши мумкин бўлса.

-хорижий мамлакат қонунчилиги Чили қонунчилигига зид бўлмаса.

Чили Фуқаролик процессуал кодексининг 19 бобига асосан, чет давлат судларининг қарорларини тан олиш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

-хорижий суд қарорининг мазмуни Чили қонунларига зид келса;

-хорижий суд қарори Чили юрисдикциясини бузса;

-иш қўзгатилганлиги тўғрисидаги хабарнома жавобгарга тегишли равишда топширилмаган ёки жавобгарга ўзини ҳимоя қилишига имкон бермаган бўлса;

-чет давлат суди ҳали қонуний кучга кирмаган бўлса, мазкур қарор устидан апелляция бериш ҳуқуқи мавжуд бўлса.

Чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш фақат Чили Олий суд томонидан кўриб чиқлиши мумкин<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига асосан чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади. Бундан кўринадики, бизнинг мамлакатимизда чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш

<sup>5</sup> Аллаёров Ж. Чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишда халқаро судловлилик билан боғлиқ айrim масалалар. Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд хужжатлари ижроси: уйғунлиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Тошкент, ТДОУ, 2020. – 260 б.

<sup>6</sup> <https://cms.law/en/int/expert-guides/cms-expert-guide-to-recognition-and-enforcement-of-judgements/chile>

20-Aprel, 2025-yil

ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар ўрта бўғин судлари томонидан кўриб чиқилади.

Хитойда ҳам чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар маҳалий судлар томонидан ҳал қилинади.

XXРда чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги аризага қуидагилар илова қилиниши керак:

- чет давлат суд қарорининг тасдиқланган ва нотариал тасдиқланган нусхаси.

- суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги ва унинг ижро қилиниши исботланганлиги (масалан, чет эл судининг тасдиқномаси).

-барча тегишли ҳужжатларнинг хитойча таржимаси.

Бундан ташқари, кўпчилик чет эллик аризачилар Хитойнинг ички қонунчилигини билмаслиги сабаб улар одатда вакиллик қилиш учун хитойлик юристларни тайинлайдилар<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасида чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага қуидагилар илова қилинади:

1) аризачи тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган чет давлат судининг ҳал қилув қарори ёки унинг чет давлатнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) агар ҳал қилув қарори матнининг ўзида кўрсатилмаган бўлса, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

3) ҳал қилув қарори қисман ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, агар у тегишли чет давлат худудида илгари ижро этилган бўлса;

4) ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва суд процессида иштирок этмаган тараф ишни кўриш вақти ҳамда жойи тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тартибда хабардор қилинганлигини англатувчи ҳужжат;

5) вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат;

6) чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

7) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда ва микдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

8) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданинг 1 — 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси.

Чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни кўриши мамлактимизда чет эллик инвесторлар, хорижий фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга замин яратаган бўлар эди.

<sup>7</sup> <https://www.clydeco.com/en/insights/2025/01/recognition-and-enforcement-of-foreign-court>

20-Aprel, 2025-yil

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Шарипов Э. Чет давлат судлари ҳал қилувқарорларинитан олиш ва ижрога қаратишҳамдатанолишиш ва ижрога қаратишнирадэтишасослари. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND MANAGEMENT STUDIES. [www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)
2. Аллаёров Ж. Чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишда халқаро судловлилик билан боғлиқ айрим масалалар. Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд хужжатлари ижроси: уйғунлиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Тошкент, ТДЮУ, 2020. – 260 б.
3. <https://cms.law/en/int/expert-guides/cms-expert-guide-to-recognition-and-enforcement-of-judgements/chile>
4. <https://www.clydeco.com/en/insights/2025/01/recognition-and-enforcement-of-foreign-court> Шарипов Э. Чет давлат судлари ҳал қилувқарорларинитан олиш ва ижрога қаратишҳамдатанолишиш ва ижрога қаратишнирадэтишасослари. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND MANAGEMENT STUDIES. [www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)